

Аллоҳнинг каломи ҳамда унинг китоби тавҳид ила бошланиши | Ақийда дарслари (270- дарс)



19:00 / 25.03.2024 1643

Ақийданинг тавҳид билан бошланишининг сабаби тўғрисида аллома Али Қори айтади: «Ақийдани тавҳид ила бошладик. Чунки Аллоҳ таоло Ўз каломини – Китобини «Алҳамду лиллаҳи Роббил олабийн» деб бошлагани рубубият тавҳиди замирида ётган улуҳият тавҳидига ишора қилиб бошлаганидандир. Бу эса махлуқотда убудият – бандаликни юзага чиқаришни тақозо қилади».

Хулоса қилиб айтганда, убудият тавҳидидан рубубият тавҳиди келиб чиқади. Яъни кимки бандаликни ягона Зотга қилиш зарурлигини эътироф қилса, Роббнинг ягоналигини ҳам эътироф қилган бўлади. Аксинчаси эса тўғри бўлмайди. Бас, мушриклар рубубият тавҳидини эътироф қилар эдилар, буни қуйидаги оятлардан тушуниб олинади:

اللَّهُ لَيَقُولَنَّ وَالْأَرْضَ السَّمَوَاتِ خَلَقَ مَنْ سَأَلْتَهُمْ وَلِيْنَ

«Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган?» деб сўрасанг, албатта, «Аллоҳ», дерлар» (Луқмон сураси, 25-оят). Ва:

زُفِيَ اللَّهُ إِلَىٰ لِقَابِنَا إِلَّا نَعْبُدُهُمْ مَا

«Уларга фақат бизларни Аллоҳга жуда ҳам яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», дерлар (Зумар сураси, 3-оят).

Лекин улар убудият – бандалик тавҳидини инкор қилганлар.

Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.